

КУН МАВЗУЛАРИ

ЎЗБЕКНЕФТГАЗ ИШИ: "655 миллион доллар зарар" ва айбловларни рад этган собиқ раҳбар

2 соат аввал



"Ўзбекнефтвер"нинг собиқ раҳбари давлат компанияси мулки ва маблағларини ўзлаштириш мақсадида гуруҳ тузганликда айбланмоқда. Айбловга кўра, 2020-2025 йилларда қарийб 2,4 триллион сўм ёки 200 миллион доллар ўзлаштирилган, компанияга етказилган умумий зарар эса 655 миллион АҚШ долларига баҳоланган.

31 июль куни Тошкентдаги Яшнобод туман жиноят ишлари бўйича судида "Ўзбекнефтвер" собиқ бошқарув раиси Баҳодиржон Сидиқов ва яна саккиз шахсга оид жиноят иши бўйича иккинчи суд мажлиси бўлиб ўтди.

Суд мажлисида Gazeta.uz мухбири иштирок этиб, жараён ҳақида батафсил репортаж тайёрлади. Озодлик суд залига кириш имконига эга бўлмагани сабабли, ушбу мақоладаги суд жараёнига оид маълумотлар Gazeta.uz мухбири репортажига асосланди. Озодлик судда янграган айбловлар, кўрсатмалар ва рақамларни мустақил текшириш имконига эга бўлмади.

Нега бу иш жамоатчилик учун муҳим?

Ўзбекистонда оддий хонадонлар қишда газ ва электр таъминотидаги узилишларга мунтазам дуч келмоқда. Расмий маълумотларга кўра, 2026 йилнинг биринчи чорагида мамлакатда 9,6 миллиард куб метр табиий газ қазиб чиқарилган.

Жаҳон банки Ўзбекистон газ инфратузилмаси йиллар давомида таъмирлаш ва техник хизматга етарли сармоя киритилмагани сабабли эскирганини билдирган.

Шундай шароитда давлатнинг нефт-газ активлари кимга ва қандай шартларда ўтказилгани, миллиардлаб маблағлар қандай сарфлангани ҳамда газ қазиб чиқариш учун мўлжалланган лойиҳалар нега кутилган натижани бермагани энергия тақчиллигидан азият чекаётган миллионлаб истеъмолчиларга ҳам бевосита дахлдор.

Прокуратура версияси судда исботланса, бу жараён айрим раҳбарларнинг ҳаракатларидан анча кенг бўлган, юқори давлат идоралари, давлат компанияси ва йирик хусусий пудратчилар иштирок этган кенг кўламли коррупция тизимини очиб бериши мумкин.

Судда кўрилаётган компаниялар, лойиҳалар ва давлат активларининг хусусий тузилмаларга ўтказилиши Озодликнинг Ўзбекистон энергетика соҳасидаги Россия таъсири ҳақидаги аввалги суриштирувларида ҳам тилга олинган.

Шу боис суд нафақат алоҳида жиноят эпизодларига, балки Россияга алоқадор бизнес ва молиявий тузилмалар Ўзбекистоннинг стратегик энергетика активларига қандай таъсир ўтказгани ҳақидаги саволларга ҳам ойдинлик киритиши мумкин.

Прокуратура нимани иддао қилмоқда?

Прокуратуранинг иддаосича, Баҳодиржон Сидиқов давлат компанияси мулки ва маблағларини ўзлаштириш мақсадида гуруҳ тузган, унга раҳбарлик қилган ва иштирокчилар ўртасида вазифаларни тақсимлаган.

Айблов томони 2020-2025 йилларда қарийб 2,4 триллион сўм ёки 200 миллион доллар ўзлаштирилганини айтмоқда. "Ўзбекнефтгаз"га етказилган умумий зарар эса 7,8 триллион сўм ёки қарийб 655 миллион долларга баҳоланган.

Бироқ прокуратура бу икки рақам ўртасидаги боғлиқликни ва улар бир-бирини такрорлайдими-йўқми, судда тушунтирмаган.

Ишда йирик давлат нефт-газ активларини хусусий компанияларга ўтказиш, ускуна ва хизматлар нархини ошириш, бажарилмаган ёки қисман бажарилган ишлар учун пул тўлаш, қайтарилмаган аванслар ҳамда дебиторлик қарзларини ундирмаслик билан боғлиқ 19 та эпизод бор.

Jizzakh Petroleum ва 106 та нефт-газ кони

Айбловнинг муҳим эпизодларидан бири Jizzakh Petroleum компаниясидаги 49 фоизлик давлат улушининг SANEG билан боғлиқ Кипрдаги Belvor компаниясига ўтказилишига тааллуқли.

Прокуратурага кўра, 80 миллион доллардан ортиқча баҳоланган улуш 10 миллион долларга берилган, харидор эса яна 71 миллион долларни тўламаган.

Бошқа эпизодда SANEG компаниясига 106 та нефт-газ кони ўтказилгани текширилмоқда. Тергов активлар асосланган қийматидан қарийб 90 миллиард сўм арзонга сотилгани ва тўлов шартлари кейинчалик юмшатирилганини иддао қилмоқда.

Ark Chemical бўйича 7,8 триллион сўмлик зарар

Энг йирик эпизодлардан бири Шўртан газ-кимё мажмуасини кенгайтириш ва Ark Chemical қўшма корхонасини ташкил этиш билан боғлиқ.

Прокуратурага кўра, "Ўзбекнефтгаз" қўшма корхонада 40 фоиз улуш олган. Хусусий шерик эса 60 фоиз улушга эга бўлса-да, зиммасига олган сармояни тўлиқ киритмаган.

Тергов ушбу эпизод бўйича давлат манфаатларига етказилган зарарни 7,8 триллион сўмга баҳолаган.

Ишда, шунингдек, Uzbekistan GTL заводидаги нуқсонларни бартараф этиш, компрессор станциялари қурилиши, бурғилаш ишлари, двигателлар ва қувурлар

хариди ҳамда турбина ускуналарини таъмирлаш учун ажратилган маблағлар бўйича айбловлар бор.

Сидиқов айбловларни рад этди

Сидиқов Жиноят кодексининг ўзлаштириш, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, мансаб сохтакорлиги ва жиноий даромадларни легаллаштиришга оид моддалари билан айбланмоқда.

Enter Engineering ва Eriell Management вакиллари дохил яна саккиз судланувчи ҳам айбловларни рад этган.

Сидиқов судда 19 та эпизоднинг ҳар бири бўйича кўрсатма бериб, пул ўзлаштирмаганини айтди.

Сидиқов баҳсли лойиҳалар, шартномалар ва давлат активларини ўтказишга оид қарорлар ҳукумат кўрсатмалари асосида амалга оширилганини айтди.

Унинг ҳимоя позициясига кўра, айрим қарорлар Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларига асосланган, баъзи шартномалар у раҳбарликка келишидан олдин тузилган, бошқа ҳолатлар эса пудратчилар билан тижорий низолар ёки ҳали тугалланмаган инвестиция лойиҳаларидан иборат.

Жумладан, Сидиқов Enter Engineering тўлов мажбуриятини бажармаганидан кейин "Ўзбекнефтгаз"нинг Air Products компаниясига 21,8 миллион доллар тўлаши олдидан Президент администрациясини хабардор қилгани ва унинг розилигини олганини айтди.

Президент администрацияси бу иддаога ҳозирча муносабат билдиргани йўқ.

Бахтиёр Фозилов ва Россия алоқалари

Сидиқов Enter Engineering, Eriell ва россиялик пудратчи билан боғлиқ лойиҳа ва шартномаларни тадбиркор Бахтиёр Фозилов билан бевосита муҳокама қилганини билдирди.

Gazeta.uz репортажида Фозилов мазкур компанияларнинг бенефициари сифатида кўрсатилган. Бироқ Фозиловнинг ўзи бу жиноят ишида судланувчи эмас.

Озодликнинг 2023 йилги суриштирувида ички ҳукумат ҳисоботлари, корпоратив ҳужжатлар ва манбаларга таяниб, Фозилов билан боғлиқ Enter Engineering ва Eriell

компаниялари йирик давлат энергетика лойиҳаларида асосий пудратчиларга айлангани хабар қилинган эди.

Суриштирувда бу тузилмаларнинг Россиянинг "Газпромбанк"и ва Россияга алоқадор бошқа бизнес доиралари билан муносабатлари ҳам ўрганилган.

Фозилов ўшанда унга юборилган саволларда "ногўғри, ноаниқ ва тўлиқ бўлмаган" маълумотлар борлигини айтган. "Газпромбанк" эса унинг Ўзбекистон энергетика лойиҳаларидаги иштироки ноқонуний ёки ахлоққа зид фаолиятни англатиши ҳақидаги тахминларни рад этган.

Очиқ суд, аммо ёритишга чекловлар бор

Gazeta.uz маълумотига кўра, дастлаб суд ходими унинг мухбирига жараёни ёритиш тақиқланганини айтган.

Кейинроқ раислик қилувчи судья очиқ суд мажлисини ёритишни тақиқлай олмаслигини тасдиқлаган. Бироқ фото, видео ва аудио ёзувларга чеклов сақланиб қолган.

Суднинг учинчи мажлиси 7 август — бугунга белгиланган.